

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

“MOLIYAVIY TAHLIL” KAFEDRASI

MOLIYAVIY VA BOSHQARUV TAHLILI

FANIDAN

REFERAT

Мавзу: **Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш шароитида ишлаб
чиқариш захиралари ва уларнинг таҳлили**

Bajardi: Тошматов М.

Ilmiy rahbar: Амирдинова М

Toshkent 2016

Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш шароитида ишлаб чиқариш захиралари ва уларнинг таҳлили

Кириш

1. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш шароитида ишлаб чиқариш захиралари таҳлилининг олдидаги муҳим вазифалар
2. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилини услубий асослари
3. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлили
4. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилида маҳсулот ҳажми ва фойдани ошириш имкониятларини ўрганиш

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш шароитида ишлаб чиқариш захиралари таҳлилининг олдидаги муҳим вазифалар

Иқтисодий ривожланиш ва шаклланиш тарихидан маълумки ишлаб чиқариш предметлари ҳар қандай шароитда ҳамда ҳолатда ҳам маҳсулот (иш, хизматлар)ни моддий асосини ташкил этади. Уларнинг қийматини юқори ёки паст бўлиши маҳсулот (иш, хизматлар)ни нархига ҳамда сифатига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш предметларини ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол этилиши ёки уларнинг сарфи хўжалик субъектининг харажатлари бўлиб юзага чиқади. Агар хўжалик субъектининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фаолиятидаги даромади ҳамда харажатлари орасидаги фарқ, яъни фойда кўрсаткичининг қанчалигига боғлиқлигини эътиборга олинса ишлаб чиқариш предметлари категориясини бизнес фаолияти учун нақадар аҳамиятга эга эканлиги кўринади. Шунинг учун улар доимо илмий ўрганишни талаб қилади. Меҳнат предметлари хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш захиралари кўринишида юзага чиқади ва улар турли хилдаги ном ҳамда кўринишга эга бўлади.

Бизнинг республикамызда ҳам бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб

қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури асосида иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди.

Ўзбекистонда ҳам молиявий инқирознинг олдини олиш борасида иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирги кунда Дастур муваффақиятли ижро этилмоқда.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгрок жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Президентимиз “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб берди. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан – жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-

тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашда тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари аҳамиятли ўрин тутadi .

Мамлакатимизда маҳаллийлаштириш жараёнларининг салмоқли натижаларга эришишида ишлаб чиқарувчиларга берилган имтиёз ва қулайликларнинг роли бекиёсдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом-ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинади.

Белгиланган қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар натижасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Президентимиз ўз асарларининг Инқирозга қарши чоралар дастурига бағишланган қисмини якунлар эканлар, «Ҳеч шубҳасиз, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда иқтисодиётимиздаги ҳар қайси субъектнинг имкон қадар кўпроқ манфаатдор бўлишини, ушбу дастур ижроси уларнинг ҳар бири учун энг муҳим ишга айланишини таъминлаш мақсадида қўшимча рағбатлантириш чораларини излаб топиш катта аҳамият касб этади»¹, деб таъкидлади.

Юқорида айтиб ўтилган чора тадбирларни қўлланилиши натижасида республикамызда катта ютуқларга эришилди.

Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолаётган эканмыз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этишимиз зарур. Шунинг яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг ҳулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишлайди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди².

Бундай натижалар, биринчи навбатда, кохоналарни давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор жалб қилади.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, “ЕлЖи” русумидаги жаҳонга машҳур холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 36-б.

² Ислом Каримов «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» О'zbekiston ovozi 2011-йил -январ

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилди ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда³.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики республикамізда хўжалик субъектларини умуман иқтисодиётни ривожлантириш масалаларини марказида ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланиш, натижада ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш каби вазифаларни бажарилиши муҳим ўрин эгалламоқда.

Демак, ишлаб чиқариш захиралари бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг ҳар томонлама, кенг кўламда, ҳамма вақт ҳамда чуқур ўрганиши шарт бўлган объекти бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш захираларининг бухгалтерия ҳисоби олдида қуйидаги асосий вазифалар қуйилган:

- имкон қадар маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган ёки тайёрланган ишлаб чиқариш захираларини сотиб олиш;
- ишлаб чиқариш захираларини сакланиши устидан назорат урнатиш;
- омбордаги мавжуд ишлаб чиқариш захираларининг белгиланган меъёридан ошмаётганлигини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш захираларининг келиб тушиши, сакланиши ва сарфланиши билан боғлиқ булган хужалик жараёнларини хужжатларда тугри расмийлаштириш;
- ишлаб чиқаришга сарфланаётган захираларнинг белгиланган меъёрларига амал қилишини ва калькуляция объектлари бўйича тугри таксимлашни назорат қилиш.

Ишлаб чиқариш захиралардан фойдаланишни таҳлил қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- янги технологиялар самарадорлигини ўрганиш;
- маҳаллий захиралар самарадорлигини ўрганиш;
- корхоналарнинг зарурий материал ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмини, комплекслигини, сифатлилигини, навлилигини ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;
- моддий таъминотнинг белгиланган режасини ҳақиқатга яқинлигини текшириш;

³ Ислон Каримов «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» O'zbekiston ovozi 2011-йил -январ

- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажмига унинг таннархига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;
- товарлар айланишини тезлаштириш;
- хом-ашё, ёқилғи ва материаллардан фойдаланилмаган ички имкониятларини аниқлаш ва бошқалар;
- захиралардан фойдаланиш ҳолатини инқирозга қарши чоралар дастуридаги устувор вазифалар асосида эканлигини таҳлил қилиш.

Ушбу вазифаларни тўғри, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши хўжалик субъектларида ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этишда ҳамда пировард натижада инқирозга қарши чоралар дастурини муваффақиятли бажарилишида муҳим аҳамиятга эга.

2. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилининг услубий асослари

Ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби ва таҳлилининг услубий асосларини бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Уларни қуйида бирма-бир кўрсатиб ҳамда изоҳлаб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 4-сонли «Товар-моддий захиралар» номли БҲМС да юридик шахсга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби услубияти ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишини белгилаб берилган. Унга кўра товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: тан олиш пайтини белгилаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш; товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида товар-моддий захиралар қийматини кейинчалик тан олиш; товар-моддий захиралар қийматини сотиш (баҳолаш)нинг соф қийматига қадар камайтириш; уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни, шунингдек улар бўйича ахборотни молиявий ҳисоботда ёритиш тартибини аниқлашлардир.

Мазкур БҲМСда қуйидаги атамалар белгилаб берилган:

а) товар-моддий захиралар - кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган моддий активлар;

б) сотишнинг соф қиймати - товар-моддий захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қиймати;

в) жорий қиймат - маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хохловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма;

г) бевосита харажатлар - алохида турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда уларнинг бирлиги таннархига тўғридан-тўғри киритиладиган ишлаб чиқариш харажатлари;

д) билвосита харажатлар - бир неча турдаги товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш) жараёни билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, улар муайян товар-моддий захиралар бирликлари таннархига бевосита киритилмайди, бунинг оқибатида улар харажатлар объектлари ва уларнинг бирликлари таннархи ўртасида ҳисоб-китоб йўли билан тақсимланади;

е) бўлиниш нуқтаси - ишлаб чиқариш жараёнининг муайян пайти, бу ерда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг алохида турлари аниқ идентификацияланади;

ж) идиш - маҳсулотлар (товарлар)ни сақлаш, ўраб-жойлаш ва ташиш учун ишлатиладиган буюмни ифода этувчи моддий объект.

Товар-моддий захиралар ташкилотларда қуйидагилар кўринишида бўлиши мумкин:

а) маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, маъмурий эҳтиёжлар ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идиш ва идишбоп материаллар, эҳтиёт сисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар захиралари;

б) боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, катта ёшдаги ҳайвонлар, паррандалар, асалари оилалари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга қўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар;

в) деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш. Ишларни бажарадиган ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда тугалланмаган ишлаб чиқариш улар бўйича қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари расмийлаштирилмаган ва ташкилот томонидан тегишли даромад тан олинмаган тугалланмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга доир харажатлардан ташкил топади;

г) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот (ишлаб чиқариш циклининг пировард натижаси - сотиш учун мўлжалланган ва сонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда шартномада ёки бошқа ҳужжатларнинг талабларида назарда тутилган техник ва сифат тавсифларига мувофиқ келадиган ишлов берилиши (бутланиши) тугалланган актив);

д) бошқа юридик ёки жисмоний шахслардан харид қилинган (олинган) ва ташкилотнинг одатдаги фаолияти давомида қўшимча ишлов беришсиз сотиш ёки қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар. Бунда узоқ муддатли активлар объектлари (бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, мулкый (мутлақ) ҳусуслар ва бошқалар) кейинчалик сотиш ёки қайта сотиш мақсадида харид қилинган ҳолларда товар бўлиб ҳисобланиши мумкин.

Инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади:

а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

б) қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда бўлган буюмлар. Ташкилот раҳбари Ҳисоб сиёсатида уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида Ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш Ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қуйидагилар киритилади:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;

в) кўрпа-тўшаклар;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига сўйиладиган асбоблар ва Ҳоказо);

д) ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

е) уларни барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вастинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва Ҳоказо).

Товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобининг бирлиги ташкилот томонидан мустақил равишда, ушбу захиралар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш ҳамда уларнинг мавжудлиги ва Ҳаракати устидан лозим даражада назоратни таъминлаш мақсадида белгиланади. Товар-моддий захираларнинг хусусиятлари, уларни харид қилиш ва улардан фойдаланиш тартибига боғлиқ Ҳолда товар-моддий захираларнинг бирлиги номенклатура рақами, туркум, бир турдаги гуруҳ ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Товар-моддий захиралар актив сифатида тан олинади, агар:

а) ташкилотга келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий фойда келиб тушишига ишонч бўлса;

б) актив қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлса;

в) уларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтса.

Товар-моддий захираларга бўлган мулк Ҳуқуқи, улар билан боғлиқ хатарлар ва мукофотларнинг ўтиш пайти унинг шартлари келишиладиган етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси асосида белгиланади.

Улар бўйича мулк Ҳуқуқи ташкилотга тегишли бўлмаган, бироқ шартнома шартларига мувофиқ унинг ихтиёрида бўлган товар-моддий захиралар балансдан ташсари Ҳисобварақларда шартномада назарда тутилган баҳо бўйича акс эттирилади.

Товар-моддий захиралар қуйидагилар натижасида ташкилотнинг бухгалтерия балансига киритилиши лозим:

- а) етказиб бериш (олди-сотди) шартномаси бўйича харид қилиш;
- б) муассислардан ташкилотнинг устав капиталига улуш сифатида келиб тушиши;
- в) муассислар таркибидан чиқишда ёки тугатилаётган ташкилотнинг мол-мулки унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланаётганда илгари бошқа ташкилотнинг устав капиталига киритилган ташкилотнинг таъсис улуши қайтарилишидан келиб тушиши;
- г) текинга келиб тушиш (Ҳадя шартномаси бўйича);
- д) айирбошлаш;
- е) узоқ муддатли активлар таркибидан ўтказиш;
- ж) ортиқча (Ҳисобга олинмаган) товар-моддий захираларни аниқлаш;
- з) илгари берилган товар қарзининг қайтарилиши ёки товар қарзини олиш;
- и) ташкилотнинг ўзида тайёрланиши;
- к) Ҳисобот даври охирида тугалланмаган ва тугалланмаган ишлаб чиқариш тарзида Ҳисобга олинмаган ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;
- л) товар-моддий захираларга бўлган мулк Ҳуқуқи олиншига олиб келадиган бошқа операциялар ва Ҳодисалар.

Товар-моддий захиралар қуйидаги икки қиймат: Ҳисобот даври охиридаги таннархидан (харид қиймати ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам қиймат бўйича баҳоланади.

Товар-моддий захираларнинг бухгалтерия Ҳисобида тегишли тарзда тан олинган таннархи Ўзбекистон Республикаси қонун Ҳужжатлари ва мазкур БҲМС билан белгиланган Ҳоллардан ташқари ўзгартирилмайди.

Товар-моддий захиралар ташкилотнинг бухгалтерия балансига таннархи бўйича киритилади, у харид қиймати (етказиб берувчига тўланадиган суммалар) ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларни ўз ичига олади.

Ушбу тартиб 4-сонли «Товар-моддий захиралар» номли БҲМС да ҳамда «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низомда белгилаб қўйилган. Хусусан, «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низомга мувофиқ харажатлар қуйидаги гуруҳга бўлиниб ҳисобга олиниши белгиланган:

Мазкур Низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмаган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб

чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар;

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар;

а) сотиш харажатлари;

б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

хўжалик юритувчи, субъектнинг умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

фавқулодда зарарлар, у даромад (фойда)дан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

1.. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар таркиби

1.1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар

1.2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

1.3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар

1.4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси

1.5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган ва уларнинг таннархига киритиладиган харажатларга қуйидагилар киритилади:

а) божхона божлари ва йиғимлари;

б) товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солис ва йиғимлар суммалари (агар улар сопланмаса);

в) товар-моддий захиралар улар орсали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик Ҳақи;

г) товар-моддий захираларни сертификатлаш ва уларни товар-моддий захираларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувоофик синаш бўйича харажатлар;

д) товар-моддий захираларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, товар-моддий захираларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан товар-моддий захираларни ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;

е) товар-моддий захираларни харид қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Савдо дисконтлари, чегирмалар ва бошқа шу каби чегирувлар товар-моддий захираларни харид қилиш харажатларини белгилаш чоғида амалга оширилади.

Транспорт-тайёрлов харажатларини Ҳисобга олишнинг қўлланиладиган усули ташкилотнинг Ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Ташкилотнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган (тайёрланадиган) товар-моддий захираларнинг таннархи деб уларнинг ишлаб чиқариш таннархи тан олинади. Товар-моддий захираларнинг ишлаб чиқариш таннархига уларни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҲнат харажатлари, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа бевосита ва билвосита харажатлар.

Товар-моддий захиралар (маҳсулот (ишлар, хизматлар)) таннархини аниқлаш усуллари уларнинг тури, маҳсулот ишлаб чиқариш хили, унинг мураккаблиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш мавжудлиги, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, товар-моддий захиралар номенклатурасига боғлиқдир. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуллари бўлиб: оддий, меъёрий, буюртма, босқичли усуллар Ҳисобланади, савдо ташкилотларида эса харажатларни инвентарь баҳолаш усули Ҳам қўлланилади.

Товар-моддий захиралар қолдиқлари ва чиқиб кетаётган (шунингдек ишлаб чиқаришга берилган) товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш қуйидаги усуллардан бири орсали амалга оширилади:

а) тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи бўйича;

б) ўртача тортилган қиймат бўйича (AVECO);

в) ТМЗ харид қилинган васт бўйича дастлабки захиралар таннархи бўйича (ФИФО).

Товар-моддий захираларнинг Ҳар бир гуруҳи (тури) бўйича Ҳисобот йили мобайнида қийматни аниқлашнинг фасат бир усули қўлланади. Товар-моддий захираларнинг гуруҳи (тури) бўйича қийматни аниқлаш усулларида бирини қўллаш Ҳисоб сиёсатини қўллаш кетма-кетлигига йўл қўйишдан келиб чиқиб амалга оширилади.

Ташкилот томонидан алоҳида тартибда фойдаланиладиган (қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлар ва Ҳоказо) ва бир-бирининг ўрнини босмайдиган (яъни улар одатдаги Ҳолда бир-бирини алмаштира олмайди), шунингдек махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган (ишлатиладиган) товар-моддий захиралар тегишли бирликнинг идентификацияланган таннархи усули бўйича баҳоланади.

Ушбу усулда специфик харажатлар муайян товар-моддий захираларга тааллусли бўлади. Акс эттиришнинг ушбу усули, улар сотиб олинганлиги ёки ишлаб чиқарилганлигидан қатъи назар, махсус лойиҳалар учун мўлжалланган маҳсулотларга тўғри келади.

AVECO усули бўйича товар-моддий захиралар Ҳар бир бирлигининг қиймати давр бошида айнан бир хил бирликларнинг ўртача тортилган қиймати ва давр мобайнида харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган айнан бир хил бирликларнинг қийматидан келиб чиқиб аниқланади.

Товар-моддий захиралар Ҳар бир бирлиги қийматини AVECO усули бўйича аниқлаш тегишинча давр бошидаги товар-моддий захиралар солдиғининг таннархи ва миқдори Ҳамда ушбу давр мобайнида келиб тушган товар-моддий захираларнинг таннархи ва мисдоридан шаклланадиган, айнан бир хил бирликларнинг умумий таннархини уларнинг умумий миқдорига бўлиш йўли билан амалга оширилади. Ўртача қиймат ташкилот томонидан танланган усулга сараб даврий ёки товар-моддий захираларнинг Ҳар бир янги партияси келиб тушишига кўра Ҳисоблаб чиқарилиши мумкин.

ФИФО усули бўйича товар-моддий захираларнинг чиқиб кетаётган бирликлари таннархига биринчи навбатда харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захираларнинг қиймати киради, давр охиридаги товар-моддий захиралар қиймати эса охириги бўлиб харид қилинган ёки ишлаб чиқарилган захиралар бирликларининг умумий қийматидан ташкил топади.

Ҳисобот даври охирида товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш уларнинг чиқиб кетишида товар-моддий захиралар қийматини аниқлашнинг қабул қилинган усулига боғлиқ Ҳолда амалга оширилади.

Товар-моддий захираларнинг чиқиб кетишида уларнинг қийматини аниқлашнинг қўлланадиган усули ташкилотнинг Ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Корхонада захираларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги бухгалтерия ахборотларини қайд этиш ва сақлаш услуби ва уларга бўлган талаблар 21-сон БҲМС билан амалга оширилади. Ушбу БҲМС да қуйидаги счётлар захиралар ҳисобига тайинланган.

Ишлаб чиқариш захираларни ҳисобга олувчи счётлар рўйхати

1000	МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
1010	Хом-ашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	
1030	Ёқилғилар	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идишбоб материаллар	
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвентар ва хўжалик жиҳозлари	
1090	Бошқа материаллар	
1100	ЎСТИРИШДАГИ ВА БОҚУВДАГИ ҲАЙВОНЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
1110	Ўстиришдаги ҳайвонлар	
1120	Бўрдоқидаги ҳайвонлар	
1200		
1300		
1400		
1500	МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
1510	Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш	
1600	МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР	А
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	

Товар-моддий захираларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, уларнинг сотиш соф қийматини тасдиқлаш ва уларнинг бут сасланишини назорат қилиш мақсадида ташкилотлар томонидан васти-васти билан, лекин йилда камида бир маротаба товар-моддий захираларни инвентарлаш ўтказилади.

Товар-моддий захираларни инвентарлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган (1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” билан белгиланган тартибда ўтказилади.

Инвентарлаш чоғида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг қийматини кирим қилиш бошқа операцион даромадлар сифатида акс эттирилади. Камомади инвентарлаш вастида аниқланган етишмайдиган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати айбдор шахслар аниқланишига садар камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўсотишларни Ҳисобга олиш Ҳисобварағида акс эттирилади.

Инвентарлаш натижасида аниқланган товар-моддий захиралар камомади суммаси сонун Ҳужжатларида белгиланган Ҳолларда табиий йўсолиш меъёрлари чегарасида, шунингдек камомаднинг аниқ айбдорлари

аниқланмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириш имконияти бўлмаган Ҳолларда, уни молия-хўжалик фаолияти натижаларига Ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги сарор қабул қилинган Ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади.

Аниқ айбдор шахслар аниқланган Ҳолда инвентарлаш натижасида аниқланган товар-моддий захиралар камомоди суммаси моддий жавобгар шахс ёки айбдордан ундирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнининг характери ва хусусиятларига боғлиқ Ҳолда товар-моддий захиралар Ҳисоби қуйидаги: узлуксиз (доимий) ёки даврий Ҳисобга олиш тизимларидан бири бўйича амалга оширилиши мумкин.

Товар-моддий захираларнинг узлуксиз Ҳисобга олиш тизимидан фойдаланилганда товар-моддий захираларни Ҳисобга олиш счётларида уларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетиши бўйича операциялар батафқил акс эттириб борилади. Товар-моддий захираларни узлуксиз Ҳисобга олиш тизимида бутун Ҳисобот даври мобайнида товар-моддий захираларнинг солдиғи суммалари ва сотилган (чиқиб кетган) захираларнинг таннархи тўғрисидаги маълумотлар олиниши мумкин. Сотилган товар-моддий захираларнинг таннархи, сотишнинг боришига сараб сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини Ҳисобга олиш счётларида акс эттирилади.

Даврий Ҳисобга олиш тизими қўлланилганида Ҳисобот даври мобайнида товар-моддий захираларни Ҳисобга олиш счётларида уларнинг келиб тушиши ва чиқиб кетишининг батафқил Ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий захираларнинг Ҳақиқатдаги мавжудлиги уларни инвентарлаш натижалари бўйича аниқланади. Сотилган (чиқиб кетган) товар-моддий захираларнинг таннархи уларни инвентарлаш якунланишига садар аниқланиши мумкин эмас. Сотилган (чиқиб кетган) товар-моддий захираларнинг таннархи давр бошидаги қолдиқ суммаси ва давр мобайнида тушумларни сўшиш Ҳамда давр охиридаги қолдиқ суммасини айириш йўли билан аниқланади.

Товар-моддий захираларни Ҳисобга олишнинг қўлланадиган тизими ташкилотнинг Ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

Захираларнинг қолдиқлари амалдаги “Бухгалтерия баланси” 1-сон шаклда қуйидаги тартибда акс эттирилиши белгиланган.

2-жадвал

Захираларни “Бухгалтерия баланси” 1-сон шаклда акс эттирилиш тартиби

Жорий активлар			
Ишлаб чиқариш захиралари (10,11,15,16)	120		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш(20,21,23,)	130		
Тайёр маҳсулот(28)	140		

Олиб сотиладиган товарлар(29)	150		
Келгуси давр сарфлари(31)	160		

Шунингдек, молиявий ҳисоботда захиралар бўйича қуйидагилар очиб берилиши лозим:

а) товар-моддий захиралар қийматини аниқлаш чоғида қабул қилинган Ҳисоб сиёсати, шу жумладан товар-моддий захиралар қийматини баҳолашнинг қўлланадиган усуллари;

б) товар-моддий захираларнинг якуний баланс суммаси ва баланс суммаси ташкилотга мувофиқ келадиган таснифда;

в) сабабларини баён этган Ҳолда, товар-моддий захираларни сотишнинг соф қийматига садар жиддий Ҳисобдан чиқариш;

г) Ҳар сандай сисман Ҳисобдан чиқарилган суммани тиклаш суммаси;


д) хўжалик фаолиятининг Ҳисобдан чиқарилган товар-моддий захираларни тиклашга олиб келган Ҳолатлари ёки восеалари;

е) мажбуриятлар учун кафолат сифатида гаровга қўйилган товар-моддий захираларнинг баланс қиймати;

ж) Ҳисобот даврида чиқиб кетадиган товар-моддий захиралар таннарни.

Юқорида айтиб ўтилган тартиб ва таснифдан ишлаб чиқариш захиралари ҳисоб ва таҳлили шаклланади. Бунинг асосида эса захираларини ифодаловчи кўрсаткичлар белгиланади.

Кузатишларлар кўрсатдики, ишлаб чиқариш харажатларини ифодаловчи кўрсаткичларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.



1- чизма. Захираларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Ушбу чизмада келтирилган кўрсаткичлар гуруҳи, ўз навбатида, яна бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Қолган кўрсаткичларни малакавий ишнинг кейинги бобларида кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, корхонада захиралар таҳлилини тўғри ташкил қилиш охирги молиявий-хўжалик фаолияти натижасига ижобий таъсир қиладики, уларни ҳам таҳлил жараёнида тўғри баҳолаш ва тегишли хулосалар чиқариш учун асос бўлишини таъминлаш лозим.

Бу эса иқтисодий таҳлил олдига муҳим вазифаларни юклайди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Захиралар ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни иқтисодий мазмунига қараб таснифлаш;
- тадбиркорнинг бизнес-режасининг бажарилишини назорат қилиш ва иш ҳажмининг фойдалилик нуктасидан пасайтирмаслик чораларини ишлаб чиқиш;
- тадбиркорнинг иш услубининг самарадорлигини, бошқарувнинг одиллигини таъминлаш йўллари кўрсатиб бериш;
- захираларга ва улар сарфига таъсир қилувчи барча омилларни, айниқса салбий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариладиган товарга (иш, хизматга) талабнинг ҳажмини, харидорларнинг тўлов қобилиятини, истеъмолчиларнинг таркибини ўрганиш;
- маҳсулотнинг рақобатбардошлигини сифати, нархи ва ҳажми жиҳатидан аниқлаш;
- маҳсулотни сотиш ҳажмига таъсир қилувчи барча омилларни аниқлаш ва уларни ҳисоблаб топиб тегишли хулосалар чиқариш ҳамда сотиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Таҳлилнинг ушбу вазифалари захираларга дахлдор бўлган асосий вазифалардир. Уларни ҳал қилиш фаолият самарадорлигининг ошиши учун муҳим тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Захираларни ифодаловчи кўрсаткичлар аниқ бўлгач, унинг фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш мумкин.

3. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлили

Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

Улар қаторига ишлаб чиқариш захиралари динамикаси, материаллар харажати ҳар сўмига тўғри келадиган фойда, материал қайтими, материал сизими маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати, материаллар сарфини маҳсулот таннархидаги улуши, материаллар харажати коэффицентини киритиш мумкин.

Ишлаб чиқариш захиралари динамикасида мазкур маблағларни йиллар давомида ҳам умумлашган ҳам ёйиб ташланган ҳолда ўзгаришини ўрганиш мумкин. Буни қуйидаги жадвал мисолида кўриб чиқамиз.

-жадвал

Ишлаб чиқариш захиралари динамикаси таҳлили

Кўрсаткичлар		2010 йил боши		2010 йил охири		Фарқи (+,-)
№	1	2	3	4	5	4 - 2
1.	Товар-моддий захиралар	135788	100	159969	100	+24181

	Шу жумладан:	-	-	-	-	-
А)	Ишлаб чиқариш захиралари	135786	99,9	159968	99,9	+24182
В)	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	2	0,01	1	0,01	-1,0
С)	Тайёр маҳсулот	-	-	-	-	-
Д)	Товарлар	-	-	-	-	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ишлаб чиқариш захиралари йил бошига таққослаганда 24182 минг сўмг ошган. Демак, бу ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтишига ўз таъсирини кўрсатади. Бироқ, унинг салмоғи ТМЗ ичида ўзгармаган.

Шунингдек, захиралар таҳлилида қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилади.

Материаллар ҳаражатини бир сўмига тўғри келадиган фойда, асосий фаолиятдан олинган фойдани материаллар ҳаражатига бўлиш орқали аниқланади.

Материал қайтимини аниқлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини материаллар ҳаражатига бўлинади.

Маҳсулот материал сиғими материаллар ҳаражатини ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатидир. Бу кўрсаткич маҳсулот бирлиги учун сарфланган материалларни ифодалайди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўсиш суръати билан материаллар ҳаражати ўртасидаги нисбат кўрсаткичини аниқлаш учун ишлаб чиқариш ҳажми индексини материаллар ҳаражати индексига бўлиш лозим. Бу кўрсаткич нисбатан материал қайтими динамикасини ифодалайди.

Маҳсулот таннархидаги материаллар ҳаражатини улуши материаллар ҳаражатининг - жамини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига бўлиш орқали аниқланади.

Материаллар ҳаражати коэффициенти - ҳақиқий сарфланган материаллар ҳаражатини бизнес-режадагиси ҳақиқий ишлаб чиқариш ҳажмига корректив қилинган кўрсаткичга нисбатини ифодалайди. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш жараёнида материаллар сарфидан иқтисод (ёки ортиқча сарф)га эришганлигини ифодалайди. Бу коэффициент 1 дан катта бўлса моддий ресурслардан самарали фойдаланилганлигини билиш мумкин.

Материал сиғимини алоҳида (якка) кўрсаткичлари моддий ресурсларнинг айрим турларидан самарали фойдаланишни характерлайди. Улар қаторига ёқилғи сиғими, материал сиғими, хом ашё сиғими каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Маҳсулот таннархидаги моддий ҳаражатлар улуши қиймат ва натура шаклларида аниқланади. Масалан: "А" маҳсулотини ишлаб чиқариш учун хом ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа материаллар ҳаражати 600 сўмни, унинг улгуржи баҳоси 1000 сўмни ташкил этса, бунда материаллар ҳаражатлар улуши - 60 фоиз ($600:1000 \times 100$) га тенг бўлади.

Материаллар таҳлилида унинг ўзгаришига кўплаб омиллар таъсир қилади (-чизма).

Материал қайтими ҳамда материал сиғими аввало ишлаб чиқариш ҳажми ва материаллар харажатига боғлиқ. Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, унинг структураси ва сотиш баҳосининг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг қиймат шаклига таъсир этади. Материаллар харажати ҳам айнан шу омиллар, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори, унинг структураси, маҳсулот бирлиги учун материаллар сарфи, материаллар баҳоси таъсир этади.

Материаллар сиғимига таъсир этувчи омилларни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

$$M_{\ddot{e}} = \frac{M_3}{T} = \frac{\sum (VM_x \cdot M_c \cdot M_{mc} \cdot M_6)}{\sum (VM_x \cdot M_c \cdot M_6)}$$

бунда

$M_{\ddot{e}}$ — маҳсулотнинг материал сиғими;

M_3 - материаллар харажати;

T - ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;


VM_x — жами ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

M_c - маҳсулот структураси;

M_{mc} - маҳсулот учун материал сарфи;

M_6 - материаллар баҳоси.

Материал сифимининг омилли таҳлилини тузилиши



Материал харажати 1 сўмига тўғри келадиган фойда материаллардан самарали фойдаланишни ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткичдан юқори даражага эришиш корхона фаолиятининг ижобий томонини ифодалайди. Таҳлил давомида, шунингдек, корхонани материаллардан фойдаланиш кўрсаткичларини динамикаси ўрганилади ва унга таъсир этувчи омиллар аниқланади.

Омиллар таъсирини қуйдаги формула орқали ифодалаш мумкин.

$$\frac{\phi}{A} = \frac{\Phi}{C_T} \cdot \frac{C_T}{I_x} \cdot \frac{I_x}{M_3} = R_c \cdot Y_c \cdot M_k$$

Бунда:

Φ- сотишдан кўрилган фойда;

M₃- материаллар харажати;

C_T- сотишдан келадиган соф тушум;

I_x- ишлаб чиқариш ҳажми;

R_c- сотишдан кўрилган рентабеллик,%

Y_c- товар маҳсулотидagi сотишдан келган тушум хиссаси,%

M_k- материал қайтими.

- жадвал

Материаллар харажатига тўғри келадиган фойдага таъсир этувчи омиллар таҳлили

минг сўм					
№	Кўрсаткичлар	Шартли белги	Бизнес режа	Ҳақиқат - да	Бизнес режадан фарқи(+,-)
1	Сотишдан кўрилган фойда	Φ	45785	50619	4834
2	Сотишдан келган тушум	C _T	201476	236778	35302
3	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	I _x	206704	241504	34800
4	Материаллар харажати	M ₃	130786	149968	19182
5.	Сотишдан кўрилган рентабеллик даражаси, %	R _c	22,7	21,3	-1,4
6	Материал қайтими, сўм (3қ:4қ)	M _k	1,58	1,61	0,03
7	1 сўм материал харажатида тўғри келадиган фойда, тийин (1/4)	M _ф	0,35	0,34	-0,01

1) $50619 / 201476 = 0,39$

2) $0,34 - 0,39 = - 0,05$ Материал харажати ўзгариши ҳисобига

3) $0,39 - 0,35 = 0,04$ Фойда ўзгариши ҳисобига

4) $0,04 + (- 0,05) = - 0,01$

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики материал харажати ўзгариши ҳисобига 1 сўм материал харажати ҳисобига тўғри келадиган фойда - 0,05 тийинга камайган. Фойда ўзгариши ҳисобига эса 1 сўм харажатга тўғрикеладиган фойда 0,04 тийинга кўпайган.

Материал сизимини ҳисоблашда барча моддий ресурслар (хом ашё, ёқилғи, иссиқлик энергияси, сотиб олинган ярим фабрикатлар ва бутловчи буюмлар) сарфи ҳисобга олинади.

Умумий товар маҳсулотининг материал сизими ишлаб чиқариш учун сарфланган моддий харажатлар таркибидаги структуравий ўзгаришларга боғлиқ. Шу сабабли маҳсулот (иш, хизматлар)ни материал сизими уларнинг таркиби бўйича алоҳида ўрганишни талаб этади. Яъни ёқилғи, электр энергия, эҳтиёт қисмлар, хом ашёлар ва хоказо тартибда.

-жадвал

Товар маҳсулоти материал сизимининг таҳлили

(минг сум)

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот йили		Бизнес режадан фарқи (+,-)
		Бизнес режа	Ҳақиқатда	
		1	2	3
1	Материаллар харажати	130786	149968	19182
2	Товар маҳсулоти	201476	236778	35302
3	Товар маҳсулоти материал сизими, сўм	0,65	0,63	-0,02
4	Материал сизимини бизнес режага нисбатан ўзгариш сабаблари:			
		x	x	+ 0,09
	а) маҳсулот тизимларидаги моддий харажатлар қисмига (ортиши+, камайиши-),	x	x	- 0,11
	б) товар маҳсулоти ҳажмига			+9310,0 + 18884,3

$$1) 149968/201476 = 0,74$$

$$2) 0,63 - 0,74 = - 0,11 \text{ Товар маҳсулоти ҳисобига}$$

$$3) 0,74 - 0,65 = + 0,09 \text{ Материал харажати ҳисобига}$$

$$4) - 0,11 + 0,09 = - 0,02$$

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики товар маҳсулоти материал сизими режага нисбатан - 0,02 тийинга камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир этган. - 0,11 тийин камайиш товар маҳсулоти ўзгариши ҳисобига содир бўлган. + 0,09 тийин кўпайиш эса материал харажати ҳисобига юзага келган.

Таҳлилда захираларни манбалар билан таъминланганлиги ,яъни молиявий барқарорлигини ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

-жадвал

Захираларни манбалар билан таъминланганлиги таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2010 йил бошига	2010 йил охирига	Фарқи (+:-)
1.	Ўз маблағлари манбалари	180000	189393	9393
2.	Узоқ муддатли активлар	130150	116254	-13896
3.	Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари (1-2)	49850	73139	23289
4.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	-	-	
5.	Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	49850	73139	23289
6.	Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	34000	100000	66000
7.	Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	83850	173139	89289
8.	Заҳира ва харажатларнинг жами	135788	159969	24181
9.	Заҳира ва харажатларни қоплашга ўзлик манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-) (3-8)	-85938	-86830	-892
10.	Заҳира ва харажатларни қоплашга ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-) (5-8)	-85938	-86830	-892
11.	Заҳира ва харажатларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-) (7-8)	-51938	-13170	38768

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхонада Заҳира ва харажатларни қоплашга ҳеч қайси манба (9, 10, 11 қаторлар) на йил бошига, на йил охирига етарли эмас. Фақатгина, заҳира ва харажатларни қоплашга жами манбалар йил охирида йил бошига нисбатан 38768 минг сўмга камайган. Корхонада молиявий барқарорликни таъминлаш борасида зарур чоралар ишлаб чиқиш керак деб ҳисоблаймиз.

Яна бир муҳим кўрсаткич. Бу ишлаб чиқариш захираларни манба билан таъминлангани коэффицентидир. У қуйидаги тартибда ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари / Ишлаб чиқариш захиралари

-жадвал

Ўз айланма маблағларини аниқлаш тартиби

Ўз маблағлари манбалари	180000	189393
Узоқ муддатли активлар	130150	116254
Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик манбалари (1-2)	49850	73139
Узоқ муддатли мажбуриятлар	-	-
Заҳира ва харажатларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	49850	73139

**Ишлаб чиқариш захираларни манба билан таъминлангани
коэффициенти**

Йил боши	Йил охири
Ишлаб чиқариш захиралари 135786	159968
$49850 / 135786 = 0,37$	$73139 / 159968 = 0,46$

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики ишлаб чиқариш захираларни манба билан таъминлангани коэффициенти йил охирида йил бошига нисбатан ошган. Бу яхши ҳолат. Демак, йил охирида ишлаб чиқариш захираларини 0,46 миқдори ўз манбалари билан таъминланган. Имкон қадар мазкур кўрсаткичи ошириб бориши зарур.

Демак, ишлаб чиқариш захираларни таҳлил қилишда ҳар бир алоҳида олинган кўрсаткич ўз ўрни ва аҳамиятига эга экан. Улар асосида эса асосланган бошқарув қарорлари қабул қилинади.

4. Ишлаб чиқариш захиралари таҳлилида маҳсулот ҳажми ва фойдани ошириш имкониятларини ўрганиш

Корхоналарни ишлаб чиқариш захиралари ҳолати таҳлил қилинганда, асосий масала — маблағларни айланиши билан корхоналарни молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки маблағларни айланишини ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, маблағларни айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий ва аксинча, жорий маблағларни айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин.

Демак, ишлаб чиқариш захираларини айланишининг ўзгаришига қандайдир катта аҳамиятга эга бўлган муҳим шарт-шароитлар, омиллар таъсир кўрсатар экан ва бу вазиятни молиявий таҳлил пайтида кўрамиз.

Ишлаб чиқариш захираларини асосини ташкил этувчи моддий захираларнинг айланиши тезлатилса, унинг бир қисми тежалади, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилади, кўпроқ фойда олинади, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Аксинча, маблағларнинг айланиши секинлаштирилса, корхонага жорий маблағлари етмай қолади ва корхонада фаолиятни давом эттириш учун ташқи манбалардан (банк кредити ва ҳоказо) фойдаланиб, корхона жорий

маблағларини тўлдирилиши керак. Ўз ўзидан маҳсулот миқдори камаяди ва бу ҳолат фойдага таъсир этади.

Шу сабабли корхоналарни маблағларининг айланишини ўзгариши ва уни корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсири таҳлил этилади.

Умуман моддий захираларнинг айланиши бўйича қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилади:

1. Маблағларни айланиш миқдори.
2. Маблағларни бир марта айланиши учун ўртача сарф қилинган календар кунлар.
3. Маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси.

Моддий маблағларнинг ўртача 90-95 фоизи ишлаб чиқаришда, 5-10 фоизи ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш жараёнида фойдаланилади. Демак, маблағларни айланишига ишлаб чиқариш циклининг муҳлати ва маҳсулотни сотиш учун сарф қилинган вақт таъсир кўрсатади.

Моддий захираларларни айланиш миқдори сотилган маҳсулотлардан олинган тушумни моддий захираларларни ўртача қийматига бўлиш билан аниқланади.

$$\frac{\text{Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум}}{\text{(қўшилган қийматга солинган ва акциз солиқларисиз)}} \\ \text{Моддий захираларларнинг ўртача қиймати}$$

Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»дан олинади, моддий захираларларни ўртача қиймати бухгалтерия маълумотларига асосланиб ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади.

Корхоналар фаолиятида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотишга сарф қилинган вақтни ўзгариб туриши билан моддий маблағларни ҳар бир айланишига турлича вақт сарф қилиниши мумкин. Моддий захираларларни умуман айланиш йўналишини ифодалаш учун юқорида кўрсатилган иккинчи кўрсаткич аниқланади, яъни жорий маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача вақт. Бунинг учун таҳлил қилинаётган календар кунларни сони биринчи кўрсаткичга, яъни жорий маблағларни айланиш миқдorigа бўлинади, яъни:

$$\frac{\text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар сони}}{\text{Моддий захираларларни айланиш миқдори}}$$

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар жорий маблағларни айланишини ифодалаб, бу айланишни ўзгаришини корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсирини ҳали кўрсатмайди, бу кўрсаткичлар керакли, қўшимча кўрсаткичлар. бўлиб, улар ёрдамида энг асосий — учинчи кўрсаткич аниқланади, яъни моддий маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси. Бу кўрсаткич моддий маблағларни айланишини тезлаштириш натижасида жорий маблағларни тежалиш суммасини ёки моддий маблағларни айланишини сусайтириш натижасида моддий маблағларни тўлдириш суммасини ифодалайди.

« » корхонада моддий захиралар айланишининг таҳлили


№	Кўрсаткичлар номи	Бизнес режа маълумотлари	Ҳисобот йили охири	Фарқи (+;-)
1	2	3	4	5
1.	Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан олинган соф тушум	201476	236778	+ 35302
2.	Моддий захиралар	130786	149968	+ 19182
3.	Айланиш коэффиценти (1/2)	1,54	1,57	+ 0,03
4.	Айланиш куни 365/3	237,0	232,5	- 4,5
5.	Айланишнинг тезлашиши ёки секинлашишидан маблағларнинг бўшашлиги ёки қўшимча жалб қилиниши			
	а) кунда	х	х	- 4,5
	в) суммада (236778/365) * а)	х	х	- 2919,2

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхонада бизнес режага нисбатан захиралар + 0,03 коэффицентга тез айланган. Натижада, захиралар айланиши 4,5 кунга қисқарган. Пировардда эса, 2919,2 минг сўм айланишдан тез бўшатилиб яна айланишга қайта қўйилган.

Моддий маблағларнинг айланишини ўзгаришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини чуқурроқ таҳлил этиш учун жорий маблағларнинг алоҳида элементларини айланишини таҳлил қилиш лозим. Моддий захираларнинг алоҳида элементларини айланишига корхонанинг алоҳида бўлинмаларининг - цехлар, омбор хўжалиги, маркетинг бўлимининг фаолияти таъсир кўрсатади. Демак, Моддий захираларнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш, келгусида Моддий захираларнинг айланишини тезлаштиришга бағишланган тавсияларни аниқлаштиришда корхона бўлинмаларининг фаолиятини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Моддий захираларнинг айланиб туриши таҳлили жорий маблағларнинг айланишини тезлаштирилиши ёки сусайтирилиши сабабли корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва олинаётган фойданинг ўзгаришини аниқлаш билан якунланиши лозим.

Моддий захираларнинг айланиб туришининг ўзгаришини маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсирини қуйидагича аниқлаш мумкин:



Кўриниб турибдики, агарда Моддий захираларнинг айланиши тезлаштирилса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот кўпаяди ва аксинча, жорий маблағларнинг айланиши сусайтирилса, маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди.

Моддий захираларнинг айланишининг корхона фойдасига таъсири қуйидагича аниқланади:

$$\begin{array}{ccccc} & & \text{Моддий захираларнинг} & & \\ & & \text{ҳисобот давридаги} & & \\ \text{Ўтган даврдаги} & & \text{айланиш миқдори} & & \text{Ўтган даврдаги} \\ \text{ялпи фойда} & \text{X} & \text{—} & & \text{ялпи фойда} \\ & & \text{Моддий захираларнинг} & & \\ & & \text{ўтган даврдаги} & & \\ & & \text{айланиш миқдори} & & \end{array}$$

Демак, жорий маблағларнинг айланиш миқдори жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришига қараб, корхона фойдаси кўпаяди ёки камаяди. Жорий маблағлар айланиб туришининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил этиш жорий маблағларнинг айланишини тезлаштиришга сафарбар этилган таклиф ва тавсиялар билан яқунланиши керак.

- 1) $(1,57-1,54) = + 0,03 \quad + 0,03 * 149968 = 4499,0$. Ушбу сумма бизнес режага нисбатан захираларни айланиши ошганлиги ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариши ҳажмини ошган миқдоридир.
- 2) $45785 * (1,57 / 1,54) - 45785 = 46676,9 - 45785 = 891,9$. Ушбу сумма бизнес режага нисбатан захираларни айланиши ошганлиги ҳисобига фойдани оширган миқдоридир.

Шундай қилиб, жорий маблағларнинг айланиб туришини таҳлил қилиш — молиявий таҳлилнинг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбариятини, таҳлилчилар, аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим.

Хулоса

Мавзуни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналар фаолиятида ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби ва уларни таҳлилининг такомиллаштириб боришни амалга ошириш ўта катта аҳамиятга эга экан. Чунки, бу тадбирлар корхонада тежамкорлик жараёнини амалга оширишни янада тезлаштиради.

2. Инқирозга қарши чоралар Дастурини бажарилиши шароитида корхоналарнинг ишлаб чиқариш захиралари ҳисоби ва уларни таҳлили бўйича сиёсати ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, янги инновацион технологиялар киритишга, маҳсулотларни диверсификациясига, жаҳон

талабларига жавоб бера оладиган сифатга эришишга, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилиши шарт экан. Бу тадбирлар инқирозни тезда бартараф этиш ва жаҳон бозорларида янги марраларга чиқишга ёрдам беради.

3. Ишлаб чиқариш захираларидан самарали фойдаланишда ҳисоб тизимининг роли ва аҳамияти жуда катта экан. Агар, ҳисоб тизимининг барча имкониятлардан тўғри фойдаланилса ишлаб чиқариш сарфлари янада кўпроқ даромад келтириши таъминланар экан. Шу билан бирга маҳсулот баҳоси пасайишининг энг маққул йўли ҳисобланади. Бу эса рақобот шароитдаги энг муҳим масаладир.